# Тошкент ҳақиқати

• № 33 (10.610).

1994 йил 11 май чоршанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.






Тошкент, 9 май.

Р. Нуритдинов олган суратлар (ЎзА)

## ЭЪТИРОФ

Америка Президенти Билл Клинтоннинг Президентимизга йўллаган бир неча телеграммасини ўқигансиз, албатта. Энди мана бу дастхат битилган сурат: "Президент Каримовга — энг эзгу тилаклар ила, Билл Клинтон".

Бу нимани англатади?

Бу — мустақил Ўзбекистонимизнинг дадил, жасурона одимлар билан тарихан қисқа вақт ичида жаҳон майдонига чиққанининг далолати эмасми? Президентимизнинг қатъият билан юритаётган ўзига хос ички ва ташқи сиёсати тез орада жаҳондаги барча давлат арбобларининг ҳам, ишбилармонларнинг ҳам эътиборини тортганига яна бир мисол эмасми?

Америка Қўшма Штатлари ўз қудратини яхши ҳис қилади, бинобарин, бошқа ҳар қандай давлатга шу нуқтаи назардан муносабатда бўлади. Демак, АҚШ Президентининг Ўзбекистон Президентига бу муносабати — республикамизнинг қудрати эътироф этилганидир.

(ЎзА).

## ҒАЛАБА БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 49 йиллигини кенг нишонлади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг урушда қатнашганлар ва мамлакат ичкарисида фидойилик кўрсатганларни "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони байрамга алоҳида руҳ бағишлади.

Чеҳраларидан нур ёғилиб турган, кўкракларини қўша-қўша орден ва медаллар безаган, ҳамон бардаму хушчақчақ фахрийлар, қуролли кучлар ҳамда меҳнат жамоаларининг вакиллари юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ғолиб чиққанлар ҳурматини бажо келтириб, шаҳид кетганлар номини ёд айламоқ, уларнинг руҳи покларига таъзим қилмоқ ниятида 9 май куни эрта тонгданоқ Тошкентнинг Мустақиллик майдонига келдилар...

... Эрталаб соат 9. Фахрий қоровул саф тортган. Бош майдондаги Номаълум аскар қабрига ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгаши, Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳри ҳокимликлари, шаҳар жамоатчилиги номидан гулчамбарлар қўйилди.

Номаълум аскар хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Республика Миллий гвардиясининг жангчилари номаълум аскар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, минбар ёнидан шахдам қадам ташлаб ўтадилар.

Урушда оғир жароҳатланиб Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган Волгоград кўчасидаги "Биродарлик қабристони" ҳам шу куни одамлар билан гавжум бўлди. Бу ердаги "Мотамсаро аёл" меъмориал ёдгорлиги пойига ҳам баҳорнинг анвойи гуллари қўйилди.

Маросимларда Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, Х. Жўраев, М. Мирқосимов, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қорабоев, К. Тўлаганов, Ў. Султонов, А. Возненко, Қ. Ҳаққулов, М. Шарифхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков иштирок этдилар.

Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Фатҳулла Назруллаев билан суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз фахрийлари ғалаба кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганидан жуда хурсанддирлар, — деди у. - Мамлакатимиз раҳбарининг Ғалаба байрами муносабати билан йўллаган қутлови бизни гоят тўлқинлантирди. Президентимизнинг "1941-1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларни ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни Ғалаба куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони фахрийлар ҳақидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ғалаба байрами куни Мустақиллик майдонида, шаҳарнинг маданият ва истироҳат боғларида, марказий кўчаларида, дам олиш масканларида халқ сайиллари кечгача давом этди. Уруш иштирокчилари билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди. Санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари, турли томошалар намойиш этилди, ҳар хил спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Кечқурун мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ғалаба байрами шарафига мушакбозлик бўлди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 май куни Япониянинг "Асахи", "Майнити" ва "Нихон кейзей симбун" газеталари мухбирлари Мисимура Йоити, Исигоока Кэн ҳамда Кая Тосихикони уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов Японияга расмий ташрифи арафасида бу обод ва илғор мамлакатнинг журналистлари билан мулоқотда бўлаётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмонларнинг мазкур сафарга доир, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли ва ислоҳотлар жараёнининг бориши тўғрисида берган саволларига жавоб қайтарди. Қачонлардир Машриқу Мағрибни боғлаган Буюк ипак йўли орқали бизнинг қадимги давлатимиз билан Япония ўртасида алоқалар ўрнатилган, деди Ўзбекистон раҳбари. Маданиятлар, урф-одатларимизда яқинлик юзага келган. Ҳозирги пайтда ўзбек ва япон қадимшунослари биргаликда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи 2000 йилни ўз ичига олишини аниқладилар. Маданий давлатчилигининг илдизлари олис мозийга тақаладиган мустақил республикамиз ўз халқининг кўп асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигига асосланган тараққиёт йўлини танлади.

Мамлакатимиз раҳбари иқтисодий ислоҳотнинг беш тамойилини санаб ўтар экан, Ўзбекистон танлаган йўл нисбатан тўғри ва ишончли бўлиб чиққанини таъкидлади.

— Ислоҳотларимизнинг дастлабки босқичида мамлакатимизда кечаётган ва келгусида бўлажак иқтисодий ўзгаришлар учун ҳуқуқий асос яратган, яъни тегишли қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилган бўлсак, ҳозир кечаётган иккинчи босқичда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз, — деди Ислом Каримов. — Келгусида республикамиз ривожланган демократик давлатга айланиши шубҳасиз.

Республикамиз раҳбари япон мухбирларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, унга аъзо бўлган давлатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар равнақи, республикамизнинг халқаро ҳамкорлик муносабатлари, жумладан, Япония билан иқтисодий алоқаларнинг келгусидаги ривожи хусусидаги саволларига ҳам батафсил жавоб берди.

Япониялик журналистлар самимий қабул ҳамда қизғин мулоқот учун Президентга миннатдорлик изҳор этиб, Ислом Каримовнинг Японияга бўлажак ташрифи кўнгилли ва самарали ўтишини тиладилар.

Қабул маросимида Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Кодзи Хино қатнашди.

***

Ўзбекистон Президенти шу куни Швейцариянинг "Креди Свисс" банки директорлар кенгаши раиси Рейнер Гут бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Суҳбат чоғида жаҳонга машҳур "Креди Свисс" банки билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар муваффақиятли ривожланаётгани таъкидланди уни янада мустаҳкамлаш хусусида фикрлашилди. Ислом Каримов Тошкентда "Креди Свисс" банки ваколатхонасининг очилиши мақсадга мувофиқлигини қайд этар экан, бу иш ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлишини айтди.

Жаноб Рейнер Гут Ўзбекистонга, айниқса, Самарқанд ва Бухорога ташрифи мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборганини, Ўзбекистон, дарҳақиқат, табиий, иқтисодий имкониятларга бой юрт эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилганини билдирди. У, шунингдек, "Креди Свисс" банки Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшишга, жумладан, мамлакат банк тизими учун малакали мутахассислар тайёрлашда кўмаклашишга тайёр эканини изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎзА)

**Суратда: қабул пайти.**
**Р. Шагаев (ЎзА) сурати.**



## *ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР*

Япония Бош вазири Цутому Хатанинг таклифига биноан ва ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1994 йил 16 майдан 19 майгача расмий ташриф билан Японияда бўлади.

**Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.**

## ИЖОДКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Ўзбекистон ижодий ходимлар жамғармасида журналистлар билан учрашув бўлди.

Жамғарма бош директори Мурод Эркабоев журналистларга республиканинг саккиз ижодий уюшмасини ҳамда 12,5 минг ижодий ходимини бирлаштирган бу жамоат ташкилотининг республика миқёсидаги ва халқаро фестиваллар ҳамда шунга ўхшаш бошқа йирик тадбирлар ўтказишдаги фаолияти ҳақида гапириб берди. Яқинда жамғарма "Арк суғурта гуруҳи" акционерлик жамияти билан ижодий ходимлар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг ҳаёти, соғлиги, мулки, меҳнатларининг натижаси ва муаллифлик ҳуқуқини суғурталайдиган "Альянс" суғурта агентлиги тузиш ҳақида битим тузди.

Учрашув қатнашчилари "Жамғарма" акционерлик жамияти рўйхатдан ўтгани, унинг акциялари сотила бошлагани, бу акцияларнинг дастлабки гуруҳи ижодий ходимлар фахрийларига бепул тарқатилиши ҳақида ҳам хабардор қилинди.

(ЎзА).

*Пилла қурти боқиш қандай бормоқда?*

## УЧИНЧИ ЁШИДА

Пилла — деҳқончилик йилининг илк ҳосили ҳисобланади. Ана шу ҳосилнинг баракали, салмоқли, сифатли бўлиши деҳқонларнинг навбатдаги ишлари янада юришиб кетиши учун туртки вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам илғор пиллакорлар қурт боқиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрадилар. Тошкент туманида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишлар анча ибратлидир. Аввало туманда қурт боқувчи хонадон соҳиблари аниқланди. Улар билан суҳбатлашилди, имкониятлари, истак-талаблари ҳисобга олинди. Пиллахоналар учун керакли ускуналарни ўз вақтида етказиб бериш чора тадбирлари кўрилди. Зарур миқдорда кўмир, ўтин билан таъминланди. Қурт боқувчилар билан шартномалар тузилди. Ана шундан сўнг қурт уруғини тарқатишга киришилди. Қисқа вақт ичида режадаги 691 қути қурт уруғи хонадонларга тарқатиб чиқилди. Қурт боқиш бошлаб юборилди.

Туманда қурт боқишнинг муваффақиятли ўтказишга эришиш учун етти кишидан иборат ёрдам кўрсатувчи комиссия тузилган. Бу комиссия таркибига мутахассислар, илғор пиллакорлар, тажрибакорлар киритилган. Тузиб чиқилган жадвалга мувофиқ комиссия аъзолари ҳар куни эрта билан хонадонларга йўл оладилар. Қаерда қурт боқиш қандай бормоқда, барг тақсимоти қандай бўлаётир? Қандай камчиликлар бор? Қандай муаммоларни ҳал этиш керак? Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида пиллакорларнинг хотиржам меҳнат қилишлари учун шарт-шароит етарлими? Комиссия аъзолари асосан ана шу масалалар билан шуғулланадилар ва лозим топилган ҳолда зудлик билан ёрдам уюштирадилар.

Баргдан фойдаланиш ва унинг тақсимоти алоҳида назоратга олинади. Ҳар бир хўжалик баргни кесиб келтириш ва ташиш учун машина ажратади, тўрт-беш киши бу ишга жалб этилади. Улар пиллакорларнинг эҳтиёжига яраша баргни ўз вақтида кесиб, тарқатадилар. Баргни сўлитмасдан, янгилигида едиришга катта эътиборга берилади. Кўрилаётган бу чора-тадбирлар туманда пилла қурти боқишнинг анча муваффақиятли ўтишига кўмаклашмоқда. Ҳозир пилла қуртлари учинчи ёшни ўтамоқда. Айниқса, Т. Мирзаев номли, Охунбобоев номли, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли, Ғиёс Умаров номли хўжаликларда пилла қурти боқиш намунали ташкил этилгандир.

Тошкент тумани пиллакорлари режадагидан анча ошириб ҳосил топшириш, ҳар қути қурт уруғидан ўтган йилдагига қараганда кўп пилла олиш учун ана шундай меҳнат қилмоқдалар.

**Н. ИСАЕВ.**

# Тошкент ҳақиқати

• № 33(10.610).

1994 йил 11 май чоршанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.




Тошкент, 9 май.



Р. Нуритдинов олган суратлар (ЎзА)

## ЭЪТИРОФ

Америка Президенти Билл Клинтоннинг Президентимизга йўллаган бир неча телеграммасини ўқигансиз, албатта. Энди мана бу дастхат битилган сурат: "Президент Каримовга — энг эзгу тилаклар ила, Билл Клинтон".

Бу нимани англатади?

Бу — мустақил Ўзбекистонимизнинг дадил, жасурона одимлар билан тарихан қисқа вақт ичида жаҳон майдонига чиққанининг далолати эмасми? Президентимизнинг қатъият билан юритаётган ўзига хос ички ва ташқи сиёсати тез орада жаҳондаги барча давлат арбобларининг ҳам, ишбилармонларнинг ҳам эътиборини тортганига яна бир мисол эмасми?

Америка Қўшма Штатлари ўз қудратини яхши ҳис қилади, бинобарин, бошқа ҳар қандай давлатга шу нуқтаи назардан муносабатда бўлади. Демак, АҚШ Президентининг Ўзбекистон Президентига бу муносабати — республикамизнинг қудрати эътироф этилганидир.

**(ЎзА).**

## ҒАЛАБА БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 49 йиллигини кенг нишонлади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг урушда қатнашганлар ва мамлакат ичкарисида фидойилик кўрсатганларни "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони байрамга алоҳида руҳ бағишлади.

Чеҳраларидан нур ёғилиб турган, кўкракларини қўша-қўша орден ва медаллар безаган, ҳамон бардаму ҳушчақчақ фахрийлар, қуролли кучлар ҳамда меҳнат жамоаларининг вакиллари юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ғолиб чиққанлар ҳурматини бажо келтириб, шаҳид кетганлар номини ёд айламоқ, уларнинг руҳи покларига таъзим қилмоқ ниятида 9 май куни эрта тонгданоқ Тошкентнинг Мустақиллик майдонига келдилар...

... Эрталаб соат 9. Фахрий қоровул саф тортган. Бош майдондаги Номаълум аскар қабрига ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгаши, Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳри ҳокимликлари, шаҳар жамоатчилиги номидан гулчамбарлар қўйилди.

Номаълум аскар хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Республика Миллий гвардиясининг жангчилари номаълум аскар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, минбар ёнидан шахдам қадам ташлаб ўтадилар.

Урушда оғир жароҳатланиб Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган Волгоград кўчасидаги "Биродарлик қабристони" ҳам шу куни одамлар билан гавжум бўлди. Бу ердаги "Мотамсаро аёл" меъмориал ёдгорлиги пойига ҳам баҳорнинг анвойи гуллари қўйилди.

Маросимларда Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, Х. Жўраев, М. Мирқосимов, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қорабоев, К. Тўлаганов, Ў. Султонов, А. Возненко, Қ. Ҳаққулов, М. Шарифхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков иштирок этдилар.

Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Фатҳулла Назруллаев билан суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз фахрийлари ғалаба кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганидан жуда хурсанддирлар, — деди у. - Мамлакатимиз раҳбарининг Ғалаба байрами муносабати билан йўллаган қутлови бизни ғоят тўлқинлантирди. Президентимизнинг "1941-1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларни ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни Ғалаба куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони фахрийлар ҳақидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ғалаба байрами куни Мустақиллик майдонида, шаҳарнинг маданият ва истироҳат боғларида, марказий кўчаларида, дам олиш масканларида халқ сайиллари кечгача давом этди. Уруш иштирокчилари билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди. Санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари, турли томошалар намойиш этилди, ҳар хил спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Кечқурун мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ғалаба байрами шарафига мушакбозлик бўлди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**




## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 май куни Япониянинг "Асахи", "Майнити" ва "Нихон кейзей симбун" газеталари мухбирлари Мисимура Йоити, Исигоока Кэн ҳамда Кая Тосихикони уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов Японияга расмий ташрифи арафасида бу обод ва илғор мамлакатнинг журналистлари билан мулоқотда бўлаётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмонларнинг мазкур сафарга доир, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли ва ислоҳотлар жараёнининг бориши тўғрисида берган саволларига жавоб қайтарди. Қачонлардир Машриқу Мағрибни боғлаган Буюк ипак йўли орқали бизнинг қадимги давлатимиз билан Япония ўртасида алоқалар ўрнатилган, деди Ўзбекистон раҳбари. Маданиятлар, урф-одатларимизда яқинлик юзага келган. Ҳозирги пайтда ўзбек ва япон қадимшунослари биргаликда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи 2000 йилни ўз ичига олишини аниқладилар. Маданий давлатчилигининг илдизлари олис мозийга тақаладиган мустақил республикамиз ўз халқининг кўп асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигига асосланган тараққиёт йўлини танлади.

Мамлакатимиз раҳбари иқтисодий ислоҳотнинг беш тамойилини санаб ўтар экан, Ўзбекистон танлаган йўл нисбатан тўғри ва ишончли бўлиб чиққанини таъкидлади.

— Ислоҳотларимизнинг дастлабки босқичида мамлакатимизда кечаётган ва келгусида бўлажак иқтисодий ўзгаришлар учун ҳуқуқий асос яратган, яъни тегишли қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилган бўлсак, ҳозир кечаётган иккинчи босқичда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз, — деди Ислом Каримов. — Келгусида республикамиз ривожланган демократик давлатга айланиши шубҳасиз.

Республикамиз раҳбари япон мухбирларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, унга аъзо бўлган давлатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар равнақи, республикамизнинг халқаро ҳамкорлик муносабатлари, жумладан, Япония билан иқтисодий алоқаларнинг келгусидаги ривожи хусусидаги саволларига ҳам батафсил жавоб берди.

Япониялик журналистлар самимий қабул ҳамда қизғин мулоқот учун Президентга миннатдорлик изҳор этиб, Ислом Каримовнинг Японияга бўлажак ташрифи кўнгилли ва самарали ўтишини тиладилар.

Қабул маросимида Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Кодзи Хино қатнашди.

***

Ўзбекистон Президенти шу куни Швейцариянинг "Креди Свисс" банки директорлар кенгаши раиси Рейнер Гут бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Суҳбат чоғида жаҳонга машҳур "Креди Свисс" банки билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар муваффақиятли ривожланаётгани таъкидланди уни янада мустаҳкамлаш хусусида фикрлашилди. Ислом Каримов Тошкентда "Креди Свисс" банки ваколатхонасининг очилиши мақсадга мувофиқлигини қайд этар экан, бу иш ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлишини айтди.

Жаноб Рейнер Гут Ўзбекистонга, айниқса, Самарқанд ва Бухорога ташрифи мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборганини, Ўзбекистон, дарҳақиқат, табиий, иқтисодий имкониятларга бой юрт эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилганини билдирди. У, шунингдек, "Креди Свисс" банки Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшишга, жумладан, мамлакат банк тизими учун малакали мутахассислар тайёрлашда кўмаклашишга тайёр эканини изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

**Суратда: қабул пайти.**
**Р. Шагаев (ЎзА) сурати.**

## *ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР*

Япония Бош вазири Цутому Хатанинг таклифига биноан ва ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1994 йил 16 майдан 19 майгача расмий ташриф билан Японияда бўлади.

**Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.**

## ИЖОДКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Ўзбекистон ижодий ходимлар жамғармасида журналистлар билан учрашув бўлди.

Жамғарма бош директори Мурод Эркабоев журналистларга республиканинг саккиз ижодий уюшмасини ҳамда 12,5 минг ижодий ходимини бирлаштирган бу жамоат ташкилотининг республика миқёсидаги ва халқаро фестиваллар ҳамда шунга ўхшаш бошқа йирик тадбирлар ўтказишдаги фаолияти ҳақида гапириб берди. Яқинда жамғарма "Арк суғурта гуруҳи" акционерлик жамияти билан ижодий ходимлар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг ҳаёти, соғлиги, мулки, меҳнатларининг натижаси ва муаллифлик ҳуқуқини суғурталайдиган "Альянс" суғурта агентлиги тузиш ҳақида битим тузди.

Учрашув қатнашчилари "Жамғарма" акционерлик жамияти рўйхатдан ўтгани, унинг акциялари сотила бошлағани, бу акцияларнинг дастлабки гуруҳи ижодий ходимлар фахрийларига бепул тарқатилиши ҳақида ҳам хабардор қилинди.

**(ЎзА).**

### *Пилла қурти боқиш қандай бормоқда?*

## УЧИНЧИ ЁШИДА

Пилла — деҳқончилик йилининг илк ҳосили ҳисобланади. Ана шу ҳосилнинг баракали, салмоқли, сифатли бўлиши деҳқонларнинг навбатдаги ишлари янада юришиб кетиши учун туртки вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам илғор пиллакорлар қурт боқиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрадилар. Тошкент туманида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишлар анча ибратлидир. Аввало туманда қурт боқувчи хонадон соҳиблари аниқланди. Улар билан суҳбатлашилди, имкониятлари, истак-талаблари ҳисобга олинди. Пиллахоналар учун керакли ускуналарни ўз вақтида етказиб бериш чора тадбирлари кўрилди. Зарур миқдорда кўмир, ўтин билан таъминланди. Қурт боқувчилар билан шартномалар тузилди. Ана шундан сўнг қурт уруғини тарқатишга киришилди. Қисқа вақт ичида режадаги 691 қути қурт уруғи хонадонларга тарқатиб чиқилди. Қурт боқиш бошлаб юборилди.

Туманда қурт боқишнинг муваффақиятли ўтказишга эришиш учун етти кишидан иборат ёрдам кўрсатувчи комиссия тузилган. Бу комиссия таркибига мутахассислар, илғор пиллакорлар, тажрибакорлар киритилган. Тузиб чиқилган жадвалга мувофиқ комиссия аъзолари ҳар куни эрта билан хонадонларга йўл оладилар. Қаерда қурт боқиш қандай бормоқда, барг тақсимоти қандай бўлаётир? Қандай камчиликлар бор? Қандай муаммоларни ҳал этиш керак? Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида пиллакорларнинг хотиржам меҳнат қилишлари учун шарт-шароит етарлими? Комиссия аъзолари асосан ана шу масалалар билан шуғулланадилар ва лозим топилган ҳолда зудлик билан ёрдам уюштирадилар.

Баргдан фойдаланиш ва унинг тақсимоти алоҳида назоратга олинади. Ҳар бир хўжалик баргни кесиб келтириш ва ташиш учун машина ажратади, тўрт-беш киши бу ишга жалб этилади. Улар пиллакорларнинг эҳтиёжига яраша баргни ўз вақтида кесиб, тарқатадилар. Баргни сўлитмасдан, янгилигида едиришга катта эътиборга берилади. Кўрилаётган бу чора-тадбирлар туманда пилла қурти боқишнинг анча муваффақиятли ўтишига кўмаклашмоқда. Ҳозир пилла қуртлари учинчи ёшни ўтамоқда. Айниқса, Т. Мирзаев номли, Охунбобоев номли, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли, Ғиёс Умаров номли хўжаликларда пилла қурти боқиш намунали ташкил этилгандир.

Тошкент тумани пиллакорлари режадагидан анча ошириб ҳосил топшириш, ҳар қути қурт уруғидан ўтган йилдагига қараганда кўп пилла олиш учун ана шундай меҳнат қилмоқдалар.

**Н. ИСАЕВ.**



